IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 21 Issue 02 May 2026

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕКШИРУВЛАРИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дарбишев Махмуджон Абдумаликович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори

Асланов Махсуд Мансурович

Вилоят прокуратураси Иқтисодий соҳада қонунчилик

ижроси устидан назорат бўлими катта прокурори

Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20394967

Annotatsiya: prokuror nazorati; soliq tekshiruvi; protest; tadbirkorlarning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish;

Аннотация: прокурорский надзор; расчет налогов; протест; защита прав и интересов предпринимателей;

Abstract: prosecutor's supervision; tax calculation; protest; protection of the rights and interests of entrepreneurs;

Бухоро вилоят прокуратураси томонидан “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш” борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 21.08.2019 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия - хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ – 704 - сонли қарори 2 - иловаси 5 - бандида, **олти ой мобайнида молия - хўжалик** фаолияти бўйича банк ҳисобварақларига пул маблағлари тушмаганлиги **тижорат ташкилотлари** фаолиятини **ҳаракатсиз ҳолатга ўтказишга асос бўлиши белгиланган.**

Шунингдек, ушбу Низомнинг 7 – бандида, солиқ хизмати органи тижорат банкларидан маълумот келиб тушгач ва (ёки) ҳисобот топшириш муддати тугагач, уч иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 5 - банди талаблари бўйича тижорат ташкилотлари фаоллик ҳолатини фаолият кўрсатмаётган ҳолатга ўзгартириши ва ушбу ташкилотлар тўғрисида тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи орган, рўйхатдан ўтган жойдаги **давлат статистика органи хабардор қилиши кераклиги кўрсатилган.**

Бундан ташқари, Низомнинг 13^1 – бандида, тижорат ташкилоти фаолият **кўрсатмаётган корхоналар тоифасига ўтказилгандан кейин** солиқ хизмати органлари томонидан **солиқ ҳисоботларини қабул қилиш тўхтатилиши** белгиланган.

Бироқ, Вобкент туман давлат солиқ инспекцияси томонидан юқоридаги қонунчилик меъёрларига риоя қилмасдан тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиш учун ариза билан мурожаат қилган ва 6 ой ва ундан кўпроқ даврда молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобварақаларида пул маблағлари келиб тушмаган тадбиркорлик субъектларига нисбатан гўёки, улар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим қилинмаганлиги важи билан

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 175 - моддаси 2 - қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш каби салбий амалиёт шаклланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, АТБ “Агробанк” Вобкент филиалининг **03.04.2026** йилдаги 86-сонли маълумотига кўра, банк мижози "Жонибек Мирза" МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақами бўйича 01.01.2025 йилдан бугунги кунга қадар банк айланмалари мавжуд эмаслиги пул айланмалари амалга оширилмаганлиги ҳақида “Электрон ахборот узатиш тизими’’ орқали солиқ органларига тегишли тартибда маълумот берилган.

"Жонибек Мирза" МЧЖ раҳбари А.А.га нисбатан жорий йил февраль ойидаги фойда ва айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботларини топширмаганлик учун 13.03.2026 йилда МЖтКнинг 175 - моддаси 2 - қисми билан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилган.

Солиқ органнинг мазкур маъмурий қарорига келтирилган протестга асосан қарор бекор қилиниб, тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Худди шу ҳолатлар бўйича 125 та тадбиркорларга нисбатан қўзғатилган маъмурий қарорлар протест асосида бекор қилиниб, уларнинг қонуний манфаатлари тикланган.